



ШАРКШУНОС

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)7
М - 58

Хайрулла Хамидов. Ўзбек шарқунослигининг
йирик намоянчаси. – Т.: «Innovatsion rivojlanish
nashriyot-matbaa uyi», 2023, 308 б.

ISBN 978-9910-835-37-0

Рисолада атоқли шарқунос, афғоншунос олим, филология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси, “Меҳнат шухрати” ордени
совриндори, мамлакатимизда афғоншунослик соҳасининг қарор
топиши ва тараққий этишига улкан ҳисса қўшган инсон –
Абдурахим Муталович Манноновнинг ибратли ҳаёт йўли, илмий,
педагогик ва раҳбарлик фаолияти ҳақида сўз юритилади.
Таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тақдим этилаётган
мазкур рисолада Абдурахим Манноновнинг илмий фаолияти ва
ижодига оид маълумотлар таниқли олимлар, у кишини яхши
билган дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг дил сўзлари
қайд этилган. Олимнинг қаламига мансуб илмий-назарий
асарларининг тўла библиографияси тартибланган бўлиб, ушбу
маълумотлар шарқунослик, афғоншунослик соҳасида илмий иш
олиб бораётган тадқиқотчилар, магистрантлар ва изланувчи
талабалар учун фойдали бўлади, деб ўйлаймиз.

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)7
М - 58

Масъул муҳаррир:

Халқаро Кимё университети таъсисчиси, иқтисод фанлари
доктори, профессор Алишер ВАҲОБОВ.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор

Улфатхон МУҲИБОВА;

филология фанлари номзоди, доцент

Эргаш ОЧИЛОВ.

ISBN 978-9910-835-37-0

ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ МУҲТАШАМ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

Ушбу китоб ўзбек шарқунослигининг йирик намоян-
даси, атоқли шарқунос, афғоншунос олим, филология фан-
лари доктори, профессор, “Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони (2002) ҳамда “Меҳнат
шухрати” ордени (2017) соҳиби, муҳтарам устоз Абдурахим
Муталович Манноновнинг муборак 80 ёшлари ва 60 йиллик
сермазмун, самарали илмий - ижодий, педагогик ва раҳбарлик
фаолиятларига бағишлангандир.

“Ё ўқишга арзирли нарса ёзинг, ёки бировлар сиз ҳа-
қингизда ёзиши учун арзирли ишлар қилинг!” – деган экан аме-
рикалик атоқли давлат арбоби Бенжамин Франклин. Менимча,
китоб қаҳрамони, муҳтарам устозим Абдурахим Абдумутал
ўғли Маннонов ҳам ўқишга арзирли асарлар ёзганлар, ҳам
ўзлари ҳақида бoshқалар ёзиши учун муносиб ишлар
қилганлар. Китобни тўлиқ ўқиб чиқсангиз бунга амин бўласиз,
деб ўйлайман.

Устоз Абдурахим Маннонов ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам
қийин экан. Осонлигининг сабаби, у кишининг таржимаи
ҳоллари, босиб ўтган йўллари ҳақида материал йиғганингизча
топилади. Агар ҳаммасини пешма-пеш ёсангиз, бир китобга
сигдириш амри маҳол. Қийинлигининг сабаби эса ўзгача.
Бундай инсонлар ҳақида икки энлик нарса ёзиш ёки тўрт оғиз
сўз айтиш учун ёзарман одам жуда катта масъулиятни бўйнига
олиши керак экан...

Танланган мавзуга чуқурроқ кириб боришдан аввал
“Шарқшунослик ўзи нима?” деган саволга жавоб излаб кўр-
дим. Дарҳақиқат, устоз соҳага доир бир давра суҳбатида шарқ-
шунослик гуманитар фанлар ичида ўзининг бениҳоя серқирра,
сертармоқ ва кенг қамровлилиги билан алоҳида мавқега эга
эканилиги, унинг фан сифатидаги таърифига оид адабиётларда
ушбу соҳанинг аниқ белгилаб қўйилган чегараси мавжуд
эмаслигини таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, унинг қадимий
тарихи ва замонавий фанлар орасидаги ўрнига назар ташлаган
юнши “шарқшунослик” атамаси бир вақтнинг ўзида жуда кўп
фанларнинг йиғиндиси тушунчасини ифодаловчи умумий ном

- Зайниддин Худайбердиев**, Профессионал таълимни ривожлантириш институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Эл ичра азиз инсон – **Абдурахим Манноновнинг педагогик фаолиятига бир назар** 111
- Қудратулло Омонов**, ТДШУ проректори, филология фанлари доктори, профессор **Шарқунослик чинори** 113
- Раъно Ходжаева**, филология фанлари доктори, ТДШУ профессори. **Забардаст шарқунос олим ва етук устоз** 116
- Хазифахан Исламджанова**. Доктор филологический наук, профессор, заведующий кафедрой теоретической и прикладной лингвистики ТТГУВ. «...**Высокопарных слов не надо опасаться...**» (Б.Окуджава) 120
- Хамидулла Дадабоев**, Алишер Навоий номидаги ЎТАУ профессори, филология фанлари доктори **Устодликка лойиқ инсон** 123
- Қосимжон Содиқов**, филология фанлари доктори, ТДШУ профессори. **Талабчан ва ишнинг кўзини биладиган раҳбар** 126
- Боқижон Тўхлиев**, филология фанлари доктори, ТДШУ профессори. “Агар бор эса поклик нияти...” 130
- Абдурахим Ваҳобов**, иқтисод фанлари доктори, ЎзМУ профессори. **Илм - фан жонкуяри, ёшларнинг меҳрибон устози** 135
- Зоҳиджон Исломов**, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори. **Икки дунё саодати соҳиби** 137
- Улфатхон Мухибова**, филология фанлари доктори, ТДШУ Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё тиллари кафедраси профессори **Шарқунос олим** 140
- Валерий Ким**, доктор филологических наук, профессор **Востоковедение Узбекистана и развитие российской высшей школы** 143
- Улуғбек Идилов**, сиёсий фанлар доктори, профессор **Жонкуяр ва фидойий раҳбар, забардаст олим** 147
- Исмаилов Бекмуратов**, сиёсий фанлар номзоди, доцент **Яхши устоз ва мураббий** 150
- Шухрат Ёвқочев**, сиёсий фанлар доктори, ТДШУ профессори **Шарқунослик соҳасининг жонкуяри** 154

- Дилдор Пулатова**, фалсафа фанлари номзоди, профессор, ТДШУ Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси мудири **Шарқунослик фидойиси, жонкуяр устоз** 156
- Рустам Шарипов**, филология фанлари номзоди, ТДШУ доценти. **Устознинг избрат мактаби** 161
- Эргаш Очилов**, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими. **Кўнгилдаги гаплар** 165
- Холида Алимова**, филология фанлари доктори, ТДШУ профессори. **Шарқунослик дарғаси** 174
- Жасур Зиямухамедов**, филология фанлари доктори, ТДШУ профессори **Ўзбек шарқунослик фани дарғаларидан бири** 176
- Гулноз Халлиева**, филология фанлари доктори, ЎзДЖТУ профессори. **Абдурахим Муталович ҳақида бегубор ўйларим** 179
- Умида Сайдазимова**, филология фанлари доктори, ТДШУ профессори. **Шарқунослик устози** 181
- Саодат Насирова**, доктор филологических наук, доцент, директор узбекско-китайского Института имени Конфуция при ТГУВ. **Строгий учитель** 184
- Сардор Қорабоев**, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). **Ўзбек афгоншунослигининг асосчиси** ... 186
- Хулқар Мирзахмедова**, филология фанлари доктори, доцент. ТДШУ Эрон-афгон филологияси кафедраси мудири. **Менинг устозим** 188
- Сухроб Бўронов**, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДШУ доценти. **Афгоншунослар устози** 191
- Лазиз Тўраев**, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). **Масъулиятли раҳбар, меҳрибон устоз, халим олим** 195
- Дилафруз Абдуллаева**, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). **Илм-фан фидойиси** 197
- Абдулҳаким Жузжоний**, филология фанлари доктори, профессор. **Буюк афгоншунос олим** 199
- Абдурахим Манноновнинг онлавий ҳаёти, меҳнат ва ижодий фаолиятидан фото лаҳзалар** 204

масалаларда хоризда олиб бориётган тадқиқотлар, қарашлар, концепцияларни, янги маълумотларни дарс жараёнига изчил киритиб бориш лозим”, - деган фикрлари биз учун ниҳоятда қимматлидир. Устоз ўғитлари ва илм соҳасидаги илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари самараси сифатида кафедрамиз қошида илмий мактаб ташкил этилди, кафедрамизнинг барча ёш ўқитувчилари улар учун “Альма-матер” ҳисобланган Шарқшунослик университетининг битирувчиларидир. Улар шарқшунос-файласуф сифатида шарқшунослик анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар. **Инсон қайси ишга қўл урмасин, меҳр билан бажарса, ўз ишини яхши кўрса, виждонан меҳнат қилса, ишида барака бўлади, деган буюк халқимиз. Айнан шундай фазилатлар соҳиби Абдурахим Муталович Ўзбекистонда шарқшунослик илмининг ривожланишига, рақобатбардош шарқшунос кадрларни тайёрлашга улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.**

Бугунги шодиёна кунда хурматли устозимизни қутлуг ёшлари билан чин дилдан муборакбод этаман! Уларга узоқ фаровон ҳаёт, куч-қувват, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонларига қут-барака, илмий ижодларига раванак, азиз фарзандлари ва рафиқалари, шогирдлари ва дўстлари бахтига ҳаммиша соғ-омон бўлиб, меҳнатларининг роҳатини кўриб юришларини, тилаб қоламан!



УСТОЗНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

ТДШУ доценти, филология фанлари номзоди
Рустам ШАРИПОВ

Атоқли шарқшунос-филолог, афғоншунос олим, инглиз тили билимига эга форс ва пушту тилларининг мохир билимдони, филология фанлари доктори, профессор Абдурахим Маннонов Ўзбекистонда ўзининг етук тажриба мактабини яратган таълим ташкилотчиларидан биридир.

Азал-азалдан илмга ва китобга меҳрли хонадонлардан нур ва ёғду таралади. Кўзни қамаштиргувчи бу ёғду қалбларни поклаб, ҳаётга муҳаббат, келажакка умид уйғотади. Зийёли хонадонда тутилган бўлажак олим болаликдан илмга меҳр қўйди. Мактабда ҳам, университетда ҳам фақат “аъло” баҳоларга ўқиди. Талабалик йилларидан бошлаб Шарқ адабиёти муаммолари билан қизиққан Абдурахим Маннонов 1970 йилда Москвада “XVI-XVII аср афғон адабиётида суфий-пантеистик йўналиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ўзбек халқининг илмий-фалсафий, маънавий-маърифий мероси жаҳон тамаддунининг муҳим ўзақларидан бири ҳисобланади. Шарқ уйғониш даври, айниқса, Марказий Осиёда илм-фан, маданият, санъатнинг, дунёвий ва диний билимлар уйғунлигининг энг юксак чўққисидир. Собиқ иттифоқ шароитида сўфизм каби мураккаб ва қатъис мавзуда илмий тадқиқот ёзиш, уни жаҳоннинг машҳур шарқшунослари муҳокамасидан ўтказиш ҳақиқий маънавий жасорат эди. Ўзбекистонимизнинг асосий мақсади қўшни мамлакатлар билан кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусан, маданий гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича сазой-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан, профессор А.Манноновнинг “Ўзбекистон-Афғонистон дўстлик жамияти” раиси сифатида амалга ошираётган ишлари ҳам эътиборга сазовордир. Бинобарин, тарихий қардошлик ришталари, маданият ва анъаналар яқин ҳамкорлик пойдеворидир.

Илм масканида жаҳон сиёсати таълим йўналиши ва унинг негизидаги Халқаро муносабатлар мутахассислиги, шунингдек, шарқ тилларидан синхрон таржимонларга бўлган

талаб-эхтиёжлар асосида Таржима назарияси ва амалиёти йўналиши ва магистратура, Шарқ фалсафаси ва маданияти магистратура мутахассислиги, кафедранинг очилиши профессора А.Манноновнинг фан ташкилотчиси сифатидаги фаолиятининг энг нузли саҳифасидир. Зеро, замонга мос шарқшунос кадрларни тайёрлаш, навоийшуносликни юқори босқичга кўтариш ва қўлёзма манбалар билан ишлаш малакаси эга мутахассислар авлодини тарбиялаш катта меҳнат талаб қилади. Бугунги кунда шарқ тилларидан синхрон таржимонларга бўлган талаб-эхтиёжлар муаммога айланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Олимнинг “XVI-XVII асрлар пашту тилидаги рошанийлар адабий мактаби (манбалар ва реконструкция муаммолари)” мавзусида 1996 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси фан тараққиётида ўзига хос воқеа бўлди. Унинг 16 та монографик тадқиқоти, 19 та дарслик ва ўқув қўлланмаси, 200 га яқин илмий мақолалар муаллифи эканлиги ёшлар учун ибрат мактабидир.

Устоз хамиша асосий эътиборни қўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш, маданий гуманитар алоқаларни тиклаш, қўшни ва қардош халқлар маданий меросини келажак авлодларга безавол етказиш, ижод аҳли ўртасида ўзаро фаол мулоқотни йўлга қўйишга қаратади. Олимнинг ташаббуси билан университетда бир неча илмий тадқиқот марказлари ташкил этилган. Шунингдек, таржима назарияси ва амалиёти йўналиши бўйича ҳам мутахассислар ва синхрон таржимонлар ҳам тайёрланмоқда. Ҳамма замонларда таълим масканининг илмий мавқеи ва илмий салоҳиятини ошириш энг долзарб масала ҳисобланган. Устоз раҳбарлик қилган даврида университетнинг устувор илмий тадқиқот йўналишлари кенгайди, шарқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар савияси ва даражасини ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, фундаментал ва амалий илмий тадқиқот лойиҳаларининг самардорлиги, яратилаётган илмий ишларнинг салмоғи янада ортанглигини кўпчилик эътироф этади. Жумладан, у кишининг ташаббуси билан иш бошлаган “Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи” мавзусидаги илмий - амалий лойиҳа ҳам ўз олдига қўйган мақсадига тўлиқ эришди. Маълумки, Ҳазрат

Навоийгача бўлган ҳамсанавислар ўз асарларида эпик, қаҳрамонлик ёки суфийлик мавзусига ургу берганлар. Низомий Ганжавий “Ҳамса”си форс тилида ёзилган бўлса, Алишер Навоийнинг туркий тилда беш дoston яратиши жаҳон халқлари маданиятида буюк кашфиёт бўлди.

Профессор Абдурахим Маннонов раҳбарлигида лойиҳа доирасида “Ҳамса” дostonларининг 362 босма табоқдан иборат 5 жилдлик конкорданслари тайёрланиб, нашр этилди. Шунингдек, “Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси” лойиҳаси ўз ишини муваффақиятли тугатди, натижада 8 жилд, жами 200 босма табоқдан иборат монографик тадқиқотлар яратилди.

Абдурахим Маннонов “Ўзбекистон-Афғонистон дўстлик жамияти”нинг раиси сифатида ҳам фаолият олиб бориб, икки мамлакат ўртасидаги маданий, адабий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ташкил этмоқда. Жумладан, 2021 йили Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди “Миллатлараро тотувлик ва барқарорликни таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш” мавзусидаги танловда “Ўзбекистон-Афғонистон” дўстлик жамияти А.Маннонов раҳбарлигида “Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида маданий-илмий, таълимий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва рағбатлантириш масалалари” лойиҳаси билан иштирок этиб, жамият фаолиятининг Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари орасидаги маданий-маърифий, таълим-фан соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришдан иборат олий мақсадида келиб чиқиб, бир қатор ишларни амалга оширди. Мазкур йўналишда А.Манноновнинг “Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида икки томонлама алоқаларнинг фаоллашуви” мавзусидаги мақоласи Афғонистоннинг нуфузли “Kabul Times” газетасида chop қилинди. Унда кўтарилган долзарб масалалар жаҳоннинг кўлаб сиёсатшунос-афғоншунослари томонидан эътироф этилди.

Ваганга муҳаббат, илм, ижод ва яратиш завқи билан янаб, ҳаётини ва фаолиятини эзгуликка, олий мақсадларга бағишлаган инсон чинакам маънавий юксакликка эришади. Олим маънавияти энг аввало унинг билим донрасининг кенглиги, дунёқараши, фикрлаш тарзининг тегишлилиги, муомала маданиятининг савияси, шогирдларнинг билим билан белгиланади.

Истиқлол уйғоқ қалб, уйғоқ нигоҳ билан фикрлаш, яшаш тарзини шакллантирди. Учинчи Ренессанс, миллий уйғониш, миллий тараққиётнинг янги даври шиддат билан илгарилаб бормокда. Серкирра истеъдоди инсонпарварлик, Ватанга садоқат туйғулари билан уйғунлашиб кетган фидойи устоз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Меҳнат шухрати” ордени совриндори, ўз илмий мактабини яратган атоқли шарқшунос Абдурахим Маннонов каби ватанпарвар алломаларнинг илм ва умр йўллари ёшларимиз учун ибрат мактабидир.



КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Ўзбекистон ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Эргаш ОЧИЛОВ

Абдурахим Манноновнинг табаррук 80 йиллигига бағишлаб тайёрланаётган тўпلامдан камина беҳабар қолибман. Тўпламни варақлаб туриб, менинг мақоламга кўзи тушмаган устоз:

– Эргаш Очиловнинг номини кўрмаяпман-ку!

Наҳотки, шунча йил ўзаро ҳамкорликда ишлаган бу инсоннинг мен ҳақимда айтадиган бирор сўзи бўлмаса? – лебдиларгина қилиб. Менинг бу кўпни кўрган ва билган, йилт этган истеъдодли ҳаммадан бурун пайқаб, уни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келадиган синчи ва кадршунос инсон ҳақида айтадиган гапларим бор, албатта. Бўлганда ҳам оз эмас.

Кимнинг нимага қодирлигини яхши биладиган ва унинг салоҳиятини ишга сола оладиган устозлар жуда кам топилади.

Абдурахим Маннонов мана шундай қилни қирқ ёрадиган одамшунос ва олимушунос устозлардан.

У кишининг Ўзбекистондаги деярли барча филологлар ҳақида ўз фикрлари ва баҳолари бор.

Соҳибқирон Амир Темурнинг: “Бизнинг бекиёс қудратимизга шубҳа кўзи билан қарайдиганлар биз бино этган мухташам иморатларга бир қур назар солсин!” – дея фахруифтихор билан айтган сўзлари машхур. Шунга ўхшаб, Абдурахим Манноновнинг ҳам олий таълим равнақиға қўшган ҳиссасини билай деган киши Шарқшунослик университетининг бутунги кўркем қиёфасига боқсин – бари Абдурахим Маннонов танлаган ва тарбиялаб етиштирган кадрлар, у битта-битта териб, маржон шодасидек шакллантирган ҳавасқилулик илмий жамоа!

Таниқли шоир Тохир Қахҳор бирда ғурурланиб айтган эди:

– Йиллар давомида битта-битта ғишт қўйиб, икки қаватли ҳовли қурдим. Савлат тўкиб турган ҳашаматли уйимга ҳар қараганда кўксим фараҳға тўлиб кетади:

– Наҳотки, шуни мен қалам қучи билан қурган бўлсам!